



◆ Жорий йилнинг 20 июнида «Маъмурий ислохотлар доирасида соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.



◆ Президент томонидан «Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш харажатларини молиялаштиришнинг узлуксизлигини таъминлаш тўғрисида» фармон имзоланди.



◆ Ўзбекистон Республикасининг Жанубий Кореядаги элчиси Виталий Фен БМТ собиқ бош котиби, Яшил ривожланиш глобал институти ассамблеяси расиси Пан Ги Мун билан учрашди, деб хабар бермоқда «Дунё».



◆ Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигида мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Осиё Олимпия Кенгаши (ООК) ва Қатар Олимпия қўмитаси вице-президенти Тани ибн Абдулрахмон ал Кувар билан Ўзбекистон ва Қатар мамлакатлари ўртасида спорт соҳасидаги ҳамкорликни кучайтириш, дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.



◆ Адлия вазири ўринбосари Музаф Икромов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Брюссель шаҳрида бўлиб ўтаётган «Ўзбекистон – Европа Иттифоқи» адлия, ички ишлар, инсон ҳуқуқлари ва тегишли масалалар бўйича кичик қўмитасининг 19-мажлисида иштирок этди.



◆ Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари Қаҳрамон Йўлдошев Корея Республикасининг Ер, инфратузилма ва транспорт вазирлиги ҳамда Geospatial Information Co. Ltd. компанияси раҳбар ва мутахассисларидан иборат делегация билан учрашди.

Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

2023-yil
22-iyun
payshanba
№ 78 (4830)

Ўзбекистон kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta – 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan



ҲАР МАВСУМДА ШУ БҲЛАР ТАКРОР...

Таассуф

Ҳосилдан бўшаган далаларга ўт қўйиш қачон барҳам топади? Ваҳоланки, ҳар йили ҳали бугдўй ўрими бошланмасдан аввал экология мутасаддилари сомони йиғиштириб олинадиган экин майдонларига ўт қўймаслик ҳақида кенг тушунтириш ишлари олиб боришади. Аммо, минг афсуслар бўлсинки, ҳеч кимнинг ҳеч нимадан хабари йўқдай далаларга яна ўт қўйилаверади.

Мана яна бир мисол: Андижон вилояти Избоскан туманидаги Қўшқўприк қишлоғида навбатдаги шундай ўт қўйишдан кейин фавқуллода вазиятлар ҳамда экология ходимлари саъй-ҳаракатлари билан ёнғин ўчирилган.

Афсуски, бу каби ҳолатлар бармоқ бўкиб санайдиган ҳолатда эмас. Шу кунларда деярли ҳар бир бугдўйдан бўшаган далаларда кузатишмоқда.

Аслида жазирама иссиқ забтига олган бир пайтда бундай ачинарли ҳолатга йўл қўйиш билан ўзимиз сузиб кетаётган кемани ўзимиз чўктираётгандай бўлмагандими?

Ер унумдорлигига зарар етказишга, ҳаво ифлосланишига ва ёнғин келтириб чиқаришига сабаб бўладиган бундай ҳолатларга чек қўйиш пайти келмадимми?

Инсофни, аввало, ҳамманинг ўзига берсин, деймиз-у, аммо мазкур ҳолатларнинг такрор ва такрор кузатилаётганини кўриб, бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, хусусан, айбдорларга нисбатан жазо чораларини кучайтириш фурсати келмадимикан, деган фикрга борамиз.

Зеро бу замин, мусаффо ҳаво барчамизники, элнинг ризқидир. Эл тинчилигига даҳл қилганлар учун эса жазо қатъий бўлиши керак.

Шундай эмасми? Сиз нима дейсиз?

Ўз мухбиримиз

Самарқанд вилояти

Жомбой туманидаги 10-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчилари маъмурият қароридан норизо бўлиб, касаба уюшмаларига арз қилишди.

Касаба уюшма аралашгач...

ЎҚИТУВЧИЛАР ЎЗ ИШИГА ҚАЙТДИ

Мурожаатни мутахассислар ўрганиб, мактаб ўқитувчилари Худойназар Анваров ҳамда Феруз Ҳамроев ишдан бўшатилишида, ҳақиқатан ҳам, Меҳнат кодекси талабларига риоя этилмаганини аниқлашди.

– Меҳнат муносабатлари бузилишига доир масалаларда, аввало, иш берувчи билан музокарага киришишга ҳаракат қиламиз, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори Улуғбек Ғаниев. – Аслини олганда, низоли вазиятни юмшатишнинг самарали усули ҳам шу. Мактаб маъмуриятига қонун талабларини ётиғи билан тушунтирдик. Жумладан, аввалги меҳнат қонунчилигида ходимнинг мажбуран бекор юрган кунлари учун кўрилган зарар корхона ҳисобидан қопланар эди. Янги кодексда эса ходим кўрган зарар айнан иш берувчининг шахсий ҳисобидан тўлаб берилиши белгилаб қўйилган. Бу талаб иш берувчиларни ҳушёрликка чорлагани қолмай, қонун доирасидан ташқарига чиқиш ҳолларининг ҳам олдини олмақда.

Маъмурият масаланинг моҳиятини тўғри тушунди. Ходимлар нотўғри бўшатишган буйруқлар бекор қилиниб, Худойназар Анваров ҳамда Феруз Ҳамроев ўз вазифаларига қайтишди.

– Масала биз учун ниҳоятда чигалдек туюларди, – дейди Феруз Ҳамроев. – Унга ечим топган касаба уюшмаларидан миннатдоримиз! Меҳнат низосига дуч келиб, ишим тушгач, ушбу ташкилотга бўлган ҳурматим янада ошди. Ҳолбуки, ўзимизга суянч, таянч жамоат ташкилотини баъзида кўкрагидан итаргандек ҳам бўламиз. Бу ташкилот бизга нима қилиб беряпти, деган иддаоларимизнинг ортиқча эканини бугун яна бир қарра ҳис қилдим.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

Келгуси сонларда ўқинг...



Меҳр меҳвари



Алла айтинг, оналар!



Онг ости ОВИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига!



«ISHONCH» саволи

САВДО АҲЛИНИ СУҒУРТАЛАШ ВАҚТИ КЕЛМАДИМИ?

Кейинги йилларда юртимиз бозорларида катта ёнғин ҳодисаларининг рўй бериши, афсуски, одатий ҳолга айланиб қолди. Хусусан, яқинда Қўқон шаҳридаги улғуржи бозорда ҳам ёнғин бўлди. Қарийб 5 соат давом этган аланга сабаб юзлаб савдогарнинг моллари күйиб кетди.

Табиики, савол туғилади: бозор ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб берармиди?

Ҳақиқатан ҳам, бозорларимиз ёнғин хавфсизлиги қоидаларига жавоб бермайди. Савдо дўконларида электр тизими монтажи анчайин хараб аҳволда, бозор ичидagi ошхоналарнинг аксариятида суюлтирилган газ баллонларидан фойдаланилади, ёнғин вақтида ўт ўчириш машиналари киришига мўлжалланган йўлақлар турли савдо расталари билан тўсиб ташланган, изгиринли кунларда дўконлар қўлбола воситалар билан иситилади. Бу ҳар биримиз кўриб турган, ёнғин келтириб чиқариши мумкин бўлган омиллар, холос. Агар соҳа мутахассислари ўрганишса, яна бир талай камчиликлар аниқланиши турган гап.

Аммо негадир бозорлардаги ёнғинлар

ўчириляпти-ю, унинг олдини олиш чоралари қўрилмаяпти. Хўш, бу ҳолатда савдо аҳли кўрган зиёни ким қоплаб беради? Агар зарар кўрганларнинг аксарияти кичик бизнес вакиллари эканини ҳисобга олсак, улар нима учун ўз бизнесини суғурта қилдирмайди? Ўзбекистонда савдогарларга хизмат кўрсатадиган суғурта компаниялари борми?

Ҳолбуки, чет элда автомобиллар тўқнашуви юз берса, ҳайдовчиларни кутиб оладиган биринчи одам суғурта компанияси ходими бўлади.

Демак, соҳага эътибор қаратиб, суғурта фаолиятини янада такомиллаштириш эҳтиёжи бордек, назаримизда. Қонунчилик вакиллари бу борада қандай фикрда экан?

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»



КЎЗИНГИЗНИ «ТЕШВОРАМАН» ДЕЙДИ-Я...

Автомобилларда «led» чироқларидан фойдаланиш нега тартибга солинмаяпти?

3

www.ishonch.uz

ishonch1991@yandex.uz

<https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi>

<https://t.me/ishonchgiz>



Тошкент
вилояти

«Аёллар дафтари»ни varaқлаганда...

Ижобий ўзгаришлар самараси

«Аёллар дафтари» сабаб эҳтиёжманд хотин-қизларнинг аксарияти ўзини тиклаб, ҳатто, қўшимча иш ўринлари яратаётгани, дардни енгиб оёққа тургани, ишга жойлашгани, умуман, ҳаётида ижобий ўзгаришлар бўлаётганини эшитиб, беихтиёр қувонади киши.

Хусусан, бугунги кунгача Тошкент вилоятидаги 17 мингдан ортиқ ишсиз аёллар доимий иш ўрнига эга бўлди, 13 минг 439 нафар хотин-қизнинг соғлиғини тиклашга эришилди, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагида бўлган опа-сингилларимизнинг 1 минг 137 нафарига амалий кўмак берилиб, уларнинг иқтисодий аҳволи яхшиланишига эришилди. Қўйида ана шундай аёлларнинг баъзилари ҳақида ҳикоя қилинади.



«КЎЗЛАРИМГА НУР ҚАЙТДИ»

Чиноз туманида яшовчи Феруза Далиева икки фарзандини дунёга келтиргач, кўзлари негадир хиралашди. Оила кам даромадли бўлгани сабабли, жароҳлик ўтказиш учун ҳадеганда маблағ орттиришолмади. Бу орада Ферузанинг турмуш ўртоғи тўсатдан вафот этди.

– Турмуш ўртоғим бу дунёни тарк этгани менга қаттиқ таъсир қилди, – дейди Феруза Далиева. – Шундоғам хира тортиган кўзларим, тушкунликка тушиб қолганим, асабларим эўриқиши оқибатида янаям ёмонлашди. Шу алфозда беш йил юрдим. Ҳатто, -7, -9 ўлчамдаги кўзойнак тақадиган бўлдим. Ишонасизми, баъзан деярли кўрмасдим...

Шукрки, менга ёрдам қўлини чўзишди. Иккала кўзимнинг жарроҳлик амалиёти учун «Аёллар дафтари» жамғармасидан 8 миллион сўм тўлаб берилди. Бу дунёни, яқинларингизни кўриб туриш чинакам бахт экан. Менга ана шу бахтни қайтариб берганлардан бир умр миннатдорман.

МАРҲАБОНИНГ ОРЗУЛАРИ УШАЛМОҚДА

Чиноз туманилик Марҳабо Достонова неча йилдирки, тикувчилик устахонаси бўлишини орзу қиларди. Ва ниҳоят, орзулари ушaldi, унга «Аёллар дафтари» жамғармасидан жами 33 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Бунинг эвазига Марҳабо 5 та тикув машинаси олиб, ўз ишини йўлга қўйди. Вақт ўтиб, маҳалласида яшовчи 8 нафар хотин-қизни иш билан таъминлади.

– Дастлаб, хонадонимизда иш бош-

ладим, – дейди Марҳабо Достонова. – Аммо бора-бора бу жой торлик қилиб қолди. Ҳозирда алоҳида жой олиб, ўша ерда тадбиркорлик фаолиятимни давом эттиряпман. Асосан буюртмалар бўйича ишлаймиз. Худудимиздаги битта цех билан шартнома ҳам тузганмиз. Тайёр маҳсулотларимизни унга етказиб беряпмиз...

Марҳабо келгусида фаолиятини бундан-да кенгайтириш, аёлларни иш билан таъминлашни дилига тугиб қўйган.

ТИКЛАНГАН ҲУНАР ОРТИДАН...

Бўжа туманида яшовчи Ирода Жўраева ишсизлиги туфайли «Аёллар дафтари» рўйхатида олинган эди. У новвойлар оиласига келин бўлиб тушгани сабабли шу касбга меҳр қўйган. Бу оила новвойлик билан ном чиқарган, аммо айрим сабабларга кўра, оилавий фаолиятни тўхтатиб қўйишган ва қайта йўлга қўйишга маблағ орттирмаётганди.

Яқинда унга ўзи истаган фаолиятни давом эттириши учун 30 миллион сўм миқдоридан имтиёзли кредит маблағи ажратилди.

– Ҳозир оилавий тўрт киши шу иш билан бандмиз, – дейди Ирода Жўраева. – Асосан буюртмалар асосида нон ёпамиз. Халқимиз дастурхонига азиз неъматни етказиб беришда биз ҳам ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан мамнунмиз.

Ирода Жўраева ушбу меҳнатнинг ортидан келаётган даромад эвазига яқин кунларда новвойхонани кенгайтириб, янги иш ўринлари яратиш ниятида.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»



Фарғона
вилояти

Ёзги соғломлаштириш



«Сўх»да завқли таътил

Бетакрор табиат қўйнида жойлашган «Сўх» болалар оромгоҳида айни пайтда 200 нафарга яқин ўғил-қиз мириқиб ҳордиқ чиқармоқда. Бу ерда болаларнинг мазмунли дам олиш билан бирга, 10 дан ортиқ тўғарақда билимларини ҳам мустаҳкамлаш имконига эга бўлишапти.

...Оятуллоҳ Ғоибназаров ўтган йили оромгоҳда дўстлари дам олаётганини эшитиб, роса ҳаваси келган эди.

Дадасидан оромгоҳга жўнатишини сўраганда келаси йил мактабни аъло баҳоларга таоммоласанг, сени биринчилардан бўлиб юбораман, деганди ўшанда у.

Ақли расо-да, одоби, аъло баҳоларга ўқиши билан тенгдошларига ўрناк бўлди. 6-синфини аъло баҳоларга таоммоласанг, дедаси унга оромгоҳга йўлланма олиб берди.

– Бу ерда ҳар бир куним мазмунли ўтмоқда. Тушлик-кача тўғарақларга қатнашиб, билимларни мустаҳкамласам, тушдан сўнг бассейнда мириқиб чўмилаямман, – дейди Оятуллоҳ. – Бундан ташқари,

дўстларим билан ким кўп китоб муталаа қилиш бўйича мусобақалашаямиз.

– Кўплаб дўстлар орттирдим. Улар билан тўғарақларга қатнашапман. Айниқса, менга рассомчилик, компьютер ва инглиз тили тўғарақлари ёқди, – дейди Меҳрона

Муҳаммаджонова. – Мактаб бошлангач, бу ердаги таассуротларимни дугоналаримга айтиб бераман.

Жорий мавсумда оромгоҳда 720 нафар болажонни соғломлаштириш режалаштирилган. Ўғил-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни ҳам маънан, ҳам жисмонан чиниктириш учун яратилган шароитлар ота-оналарга манзур бўлмоқда.

Таваккалжон ЭРКАЕВ,
«Сўх» болалар оромгоҳи
директори



Тошкент
шаҳри

Тадбир

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги бирлашган касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан тизим ташкилотларида меҳнат қилаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож ишчи-ҳодимларнинг фарзандлари учун ажойиб тадбир уюштирилди.

БўЛАЖАК ТРАНСПОРТЧИЛАР САЁҲАТДА

Болажонлар бир кун давомида Тошкент шаҳридаги транспорт воситалари фаолияти билан яқиндан танишишди.

Дастлаб «Дўстлик-2 – Қўйлик» ерусти метро йўналиши бўйлаб сайр қилишди. Болаларда озода ва тезкор транспорт воситаси бўлган метро катта таассурот қолдирди. Машинистлар ва ҳодимлар болаларга иш тартиби ва мавжуд йўналишлар ҳақида сўзлаб беришди.

Сайрнинг иккинчи манзили Ислон Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропорти бўлиб, бу масканда болалар ҳаво лайнерла-

рига чиқиб, самолёт қандай бошқарилиши ҳақида учувчилардан атрофлича маълумот олишди.

Пойтахт аҳли учун хизмат қилаётган янги автобуслар фаолияти билан танишув ҳам қизиқарли кечди.

Саёҳат болаларга манзур бўлди. Улар олам-олам таассуротлар билан уйга қайтишди. Энг муҳими, улар онгида ота-оналарининг фаолияти ҳақида ўзига хос тасаввур шаклланди. Келажакда улар орасидан ҳам моҳир транспортчилар чиқишига шубҳа йўқ.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА
«ISHONCH»



Андижон
вилояти

Давра суҳбати



ҲУҚУҚИНИ БИЛГАН БУРЧНИ АНГЛАЙДИ

Андижон шаҳридаги «Ишга марҳамат» мономарказида ҳодимларга янги таҳрирдаги Конституция ва Меҳнат кодексининг мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича давра суҳбати ўтказилди. Унда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ҳодимлари касаба уюшмаси ва мономарказ ҳодимлари иштирок этишди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Андижон вилояти кенгаши меҳнат-ҳуқуқ инспектори Ҳабибилло Усмонов янги таҳрирдаги Конституция ҳамда Меҳнат кодексининг мазмун-моҳияти хусусида батафсил маълумот берди.

Таъкидланганидек, Бош ҳуқуқий қомусимиз ва Меҳнат кодекси асосида қабул қилинган қонунлар халқ фаровонлиги, тинчлик ва осойишталик, миллатлар ва элатлараро товулик ҳамда диний бағрикенгликни таъминлайди.

Бунинг учун ҳар биримиз аввало, Конституцияни пухта билишимиз, унда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқлардан фойдаланишимиз, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларга қарши мурасизлик руҳида яшашимиз лозим.

Давра суҳбатида иштирокчилар ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Сарварбек КОЗИМОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ҳодимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти кенгаши раис ўринбосари



Навоий
вилояти

Кўрик-танлов

Кейинги босқичга
йўлланма

Таълим ва фан ҳодимлари касаба уюшмаси Навоий шаҳар кенгаши тизимидаги бошланғич ташкилотлар ўртасида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг дастлабки босқичи бўлиб ўтди. Эришилган натижаларга кўра, биринчи ўрин Навоий шаҳридаги 8-умумтаълим мактаби ҳамда 30-давлат мактабгача таълим ташкилоти бошланғич касаба уюшма қўмитаси аъзоларига насиб этди. Ҳодимлар кўрик-танловнинг вилоят босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Феруза МАРДИЕВА,
Таълим ва фан ҳодимлари касаба уюшмаси Навоий шаҳар кенгаши раиси



КЎЗИНГИЗНИ «ТЕШВОРАМАН» дейди-я...

Долзарб мавзу

Автомобилларда «led» чироқларидан фойдаланиш нега тартибга солинмаяпти?

тувчи кучли ёруғлик билан кўриш мен учун қулай. Лекин бу ҳолат йўл-транспорт ҳодисаларининг асосий сабабчиси, деган фикрга қўшилмайман. Сизга қарама-қарши келаётган ҳайдовчига бироз ноқулайлик туғдириши мумкин, аммо бу ҳалокатга сабаб бўлади, дегани эмас-ку. Қанчадан-қанча ҳалокатлар асосан пиёдаларнинг йўлдан ўтаётганида қоидаларга риоя қилмаслиги, ҳайдовчиларнинг тез ҳаракатланиши оқибатида содир бўлади. Ҳайдовчи ҳам, пиёда ҳам қоидаларга риоя қилса, ўйлайманки, аянчли ҳодисаларнинг олди олинади.

Акмал ЭГАМБЕРДИЕВ,
автомобиль устаси:

– Ҳозир автотранспортга асосан, «led» (light emitting diode) диодли чироқлар ўрнатилмоқда. Сабаби, оддий чўланма чироқларга нисбатан унинг ёруғлик даражаси катта. Машинада фараларнинг рефлектори жойлашган. Айнан ўша қурилма нурни қайтариш вазифасини ўтади. Аммо рефлектор диодли чироқларга мўлжалланмаган. Шунинг учун ҳам нурларнинг ёйилиши кузатилади. Ана шунинг ҳисобига қарама-қарши ҳаракатланиб келаётган автотранспортга нур ёйилган ҳолда етиб боради ва ноқулайлик келтириб чиқаради. Кези келганда ҳозир махсус линзали чироқлар ҳам борлигини эслатмоқчиман. Унда нур қайтариш функцияси борлиги сабабли нурни бир жойга тўплаб беради ва қарама-қарши келаётган ҳайдовчига ҳеч қандай ноқулайлик туғдирмайди.

Рустам АСҚАРОВ,
Тошкент вилояти ИИББ ЖХХ ЙХХБ ходими:

– Диодли чироқлар йўл-транспорт ҳодисаларининг содир бўлиш омилларига кирмайди, дея оламйимиз. Қўпгина ҳайдовчилар ўзларига қулай бўлиши учун, баъзан транспорт воситасини чиройли кўриниши учун турли чироқларни ўрнатишга ҳаракат қилишади. Чироқларнинг ҳаддан ташқари



ёруғлиги ва ёйилиши оқибатида қарама-қарши келаётган автотранспорт ҳайдовчисининг кўзини эса ўз-ўзидан қамаштиради. Бу ноқулайлик туғдиради. Нурдан кўзлари қамашган ҳайдовчи йўлда

БАРЧА ФИКРЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНГАНДА АНИҚ БЎЛАПТИКИ, ЙЎЛНИ ЯХШИ, АЙНИ ВАҚТДА ХАВФСИЗ ШАРОИТДА ЁРИТАДИГАН АВТОМОБИЛЬ ЧИРОҚЛАРИГА ЭХТИЁЖ МАВЖУД. ШУ БИЛАН БИРГА, УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАСИДА АМАЛДАГИ ҚОНУНЧИЛИКДА МУАЙЯН БЎШЛИҚ БОРЛИГИ МАЪЛУМ БЎЛАПТИ.

Борча фикрлар таҳлил қилинганда аниқ бўлаптики, йўлни яхши, айна вақтда хавфсиз шароитда ёритадиган автомобиль чироқларига эҳтиёж мавжуд. Шу билан бирга, улардан фойдаланиш масаласида амалдаги қонунчиликда муайян бўшлиқ борлиги маълум бўлапти.

Демак, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган мутасадди идоралар, хусусан, Вази́рлар Маҳкамаси ва Бош проку́рори, қуйидаги тақлифларимизни иноватга олган ҳолда, амалдаги қонунчиликка тегишли ўзгартiriшлар киритиш масаласини кўриб чиқишса, мақсадга мувофиқ бўлар эди:

– автомобилларда нур сочиб юборувчи чироқлардан фойдаланишни тақиқлаш;
– шундай ҳолатлар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жазо чораларини кучайтириш;
– бу турдаги ҳуқуқбузарлик такроран аниқланганида автомобилни жарима майдончасига жойлаштириб, нурларни сочиб юборувчи чироқларни махсус линзали, нурларни бир жойга тўплаб берувчи чироқларга алмаштирилмагунча ва жарима тўланмагунча ушлаб туриш.

Йўлаймики, мазкур мулоҳазалар ва тақлифларнинг иноватга олиниши йўлларимизнинг хавфсизлигини йўловчиларнинг саломатлигини таъминлашга хизмат қилади.

Холида
ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»



Таҳлил

Кадрлар омили — ҳал қилувчи куч

Давлат бошқаруви самарадорлигида бошқарувдаги ходимлар билими, малакаси, қадрият ва иш ахлоқи ҳамда уларни танлаш ва бошқариш (HRM тизими) жуда муҳим. Шу маънода, ҳар бир даврда кадрлар ва улар билан боғлиқ сиёсат ислохотларнинг драйвери, ўзгаришларни рўйбга чиқарувчи етакчи куч саналган.


Давлат бошқаруви соҳасини ислоҳ қилиш, инсон ресурсларини ривожлантириш, кадрларни танлаш, давлат органлари ва ташкилотларини малакали мутахассислар билан таъминлаш, энг муҳими, коррупцияга қарши курашиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Президентимизнинг 2021 йил 6 июлдаги «Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотларда ишга қабул қилишни очиқ танлов асосида амалга ошириш ҳамда танлов доирасида ўтказиладиган синов тадбирларини Интернет тармоғи орқали реал вақт режимида кузатишни назарда тутувчи тартиб жорий этилди.

Давлат фуқаролик хизматида инсон омилини камайтириш, барча фуқароларга тенг имкониятлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимлари ягона очиқ портали – vacancy.args.uz ишлаб чиқиши юқорида айtilган ислохотларнинг асосий механизмига айланди.

Очиқ мустақил танловларнинг замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда амалиётга жорий этилиши эса жараёнларда инсон омили иштирокини камайтириб, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олишга ва танловларнинг шаффоф ўтишини таъминлашга, натижада, номзодларнинг энг муносиби танлашишга хизмат қилади.

Бугунги кунда давлатни барқарорлаштириш билан бир қаторда, жамиятни фаоллаштириш, давлат хизматчисининг жамиятга меҳрли муносаба-



нинг асосий механизмига айланди.

Очиқ мустақил танловларнинг замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда амалиётга жорий этилиши эса жараёнларда инсон омили иштирокини камайтириб, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олишга ва танловларнинг шаффоф ўтишини таъминлашга, натижада, номзодларнинг энг муносиби танлашишга хизмат қилади.

Бугунги кунда давлатни барқарорлаштириш билан бир қаторда, жамиятни фаоллаштириш, давлат хизматчисининг жамиятга меҳрли муносаба-

тини шакллантириш, халққа хизмат қилиш, одамлар розилигини олиш, ҳалоллик, адолатни ўрнатиш борасидаги замонавий ёндашувга бўлган ижтимоий эҳтиёж кучайди.

Шу боис давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонун мамлакатимизда давлатнинг халққа хизмат қилиши, одамлар розилигини олиш борасида Президентимиз илгари сураётган халқпарвар сиёсатнинг яна бир амалий тасдиғидир.

Қолаверса, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 37-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат хизматига киришда тенг ҳуқуққа эгадирлар. Давлат хизматини ўташ билан боғлиқ чекловлар қонун билан белгиланади», деб белгиланди.

Конституция ва қонунларимизда мазкур сиёсий ҳуқуқнинг мустақамланиши фуқароларнинг давлат хизматига киришдаги тенг ҳуқуқ ва имкониятларини янада кенгайтди. Давлат хизматига тенг, қонуний ва адолатли рақобат шартларида салоҳиятли кадрларни кенг жалб этиш амалга ошириладиган ислохотларнинг муҳим пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Биргина 2021-2022 йиллар давомида давлат органлари ва таш-

килотлари томонидан вакант лавозимлар учун 140 минг 700 та танлов (шу жумладан, 2021 йилда 21 минг 856 та, 2022 йилда 118 минг 800 та) эълон қилинган бўлса, ушбу танловларда 1,3 млн. дан зиёд номзод (шу жумладан, 2021 йилда 387 минг 273 нафар, 2022 йилда 919 минг 30 нафар) иштирок этган ва уларнинг 45 минг 349 нафари танлов ғолиби (шу жумладан, 2021 йилда 6 минг 16 нафар, 2022 йилда 39 минг 333 нафар) сифатида вакант лавозимларни эгаллаган.

Бугунги кунга қадар 1 млн. 473 минг 762 номзод вакант лавозимлар очиқ танловларида қатнашди ва очиқ мустақил танловлар орқали 47 минг 802 нафар номзод давлат фуқаролик хизматига қабул қилинди. Айни пайтда порталда 306 минг 75 нафар фуқаро ўз резюмесини шакллантирди.

Ҳар қандай давлат ўз келажагини, энг аввало, кадрлар салоҳияти билан белгилайди. Бошқарувда кадрларни уларнинг малакаси ва хулқ-атворида қараб тўғри танлаш ҳар бир давлат ташкилоти фаолияти самарадорлиги ва мақомини оширишнинг асосий омилidir. Мақсадлар қанчалик юксак ва ислохотлар қанчалик истиқболли бўлмасин, билимли, юксак маънавиятли ва фидойи инсонларсиз уларга эришиб бўлмайди.

Шу боис Янги Ўзбекистоннинг кадрлар сиёсати – мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор асосига қурилиши лозим.

Музаффар ТУРДИМОВ,

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Навоий вилояти филиали Кадрлар маъмуриятчилиги бўлими бош инспектори



Сўранг, жавоб
берамиз

САВОЛ: Ҳуқуқшунос-лар радио ва телевидение орқали чиқишларида эмансипация деган сўзни тез-тез тилга олишади. Бу атама қандай маънони англатади?

Аҳмад ҚУРБОНОВ
Қумқўрғон тумани

**ЭМАНСИПАЦИЯ
ҚАНДАЙ МАЪНОНИ
АНГЛАТАДИ?**

ЖАВОБ: Эмансипация аслида латинча сўз бўлиб, ўзбекчада жабр-зулм, қарамлик, тутқунлик, турли бидъатлардан халос бўлиш маъноларини англатади. Ҳуқуқшуносликда эса эмансипация атамаси вояга етмаганларни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилишни билдиради.

Ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин.

Вояга етмаган шахсини тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) ота-онанинг, фарзандликка олувчиларнинг ёки ҳомийнинг розилиги билан васийлик ва ҳомийлик органи қарорига мувофиқ, бундай розилик бўлмаган тақдирда, суд қарори билан амалга оширилади. Бундай ҳолатда ота-она, фарзандликка олувчилар ва ҳомий эмансипация қилинган вояга етмаганнинг мажбуриятлари, жумладан, у етказган зарар оқибатида келиб чиққан мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлмайдилар.

Ҳуқуқ ва халқаро
ҳаёт бўлими

Эълонлар

«GRAND AUTO SERVICE» МЧЖ (СТПР: 301371718) устав жамағармаси 253 926 180 сўм 32 тийиндан 153 926 180 сўм 32 тийинга камайтириладиганини маълум қилади. Талаблар Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, М. Ашрафий кўчаси, 103А-уй манзили бўйича юборилиши мумкин.

Тошкент иқтисодиёт ва сервис коллежи томонидан 2013 йил Рустамова Софья Баратовна номига «Хўжалик масалалари ҳуқуқшуноси, ходимлар инспектори, иш юритувчи» итисосликлари бўйича берилган К № 3172644-рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси тармоқ ходимлари касба уюшмаси Сурхондарё вилояти кенгаши раиси Муяссар Қодировага укаси

Музаффар ҚОДИРОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти жамоаси журналистика соҳасида кўплаб шоғирлар еттиштирган моҳир педагог, устоз журналист, Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети «Жамоатчилик билан алоқалар ва реклама» кафедраси профессори

Қудрат Тўғонович

ЭРНАЗАРОВ

вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳуқуқ ҳамдардлик билдиради.



Синфхоналарда ўқувчилар сони ниҳоятда кўплиги таълим сифатига салбий таъсир кўрсатиши ҳақидаги фикрлар узок йиллардан буйен кўпдан-кўп муҳокама ва эътирозларга асос бўлиб келмоқда. Чўнки белгиланган меъёрларга мувофиқ, бугун шаҳарлар ва туман марказларидаги умумтаълим муассасалари синфларида 25-35 нафаргача ўғил-қиз таълим олаётир. Қишлоқларда бу кўрсаткич 20-35 нафарга тўғри келади.

Аммо ушбу тартибга барча мактабларда бирдек риоя қилинмайди. Шунинг оқибатида бир синфда 40-45 нафаргача бола ўқиётган мактаблар ҳам талайгина. Бундай шароитда бир нафар ўқитувчи дарс давомида шунча ўғил-қизга сифатли таълим бера олиши даргумон. Чўнки у 45 дақиқалик дарс мобайнида аввал берилган уй вазифасини ўқувчилар қандай бажаргани ва ўтилган мавзуну нечоғли ўзлаштиришганини аниқлаши, сўнгра навбатдаги мавзуну тушунтириб, янги уй вазифасини беришга ҳам улгуриши керак. Агар дарс учун ажратилган вақтни ўқувчилар сонига тақсимласак, ҳар болага 1 дақиқадан вақт тўғри келади. Хўш, ўқитувчи юқорида эслатилган ишларни амалга ошира оладими? Йўқ, албатта!

Биз ҳавас қиладиган Финляндия мактабларининг битта синфдаги ўқувчиларнинг ўртача сони 19-20 нафарни ташкил этади. Демак, болалар сони

биздагидан икки баробар кам, уларга ажратиладиган вақт эса шунча кўп. Бундан ташқари, ўқитувчига ёрдамчи ҳам берилади. Агар бирор бола дарсларни яхши ўзлаштиролмаса, ўқитувчи бунни дарҳол сезади ва ўқув дастурини ўша ўқувчининг индивидуал эҳтиёжига қараб, қайта тузади.

Худди шу тартиб-қоида зерикан ёки таълим даражаси дастурдан ташқарида бўлган ўқувчилар учун ҳам жорий қилинади. Натижада ўқувчилар билан ўқитувчилар ҳақиқий дўстга айланишади. Болалар нимага қизиқсалар, ўша заҳотиёқ у ҳақда сўрайдилар, биргаликда тажриба ўтказадилар ва ўрганадилар. Бу жараёнда ўқитувчи вақт масаласида муаммога дуч келмайди. Ривожланган бошқа давлатлар ҳам сифатли таълим тизими яратишга ва юқори саводхонлик даражасига шу тарика эришганлари аини ҳақиқат.

Синфда болалар сони қанча кам бўлса, уларнинг индивидуал таълим

Бир ўқувчига атиги бир дақиқа

Мулоҳаза

ЁХУД ТАЪЛИМ СИФАТИГА
ТАЪСИР ЭТУВЧИ
ОМИЛЛАР ХУСУСИДА
МУЛОҲАЗАЛАР

олиши шунча яхшиланади. Негаки, уларнинг билимли бўлишга интилиши ва иштиёқи бир-бириникидан кескин фарқланади. Қайсидир бола янги мавзуну тез ўзлаштиради, бошқасига эса уни қайта-қайта тушунтиришга тўғри келади. Қолаверса, муаллим фақат маъруза ўқиш билан чекланиб қолмай, ўқувчиларни эшитиши ва уларнинг фикрлари билан ҳам қизиқиши лозим. Амалда-чи?..

Аксарият ҳолларда ўқувчилар фақат тингловчи бўлиб қолишади. Нари борса, уй вазифаси сўралганда, уни гапириб беришади, холос. Пировардида асосан ўргатилган нарсани такрорлайдиган, мустақил фикрга эга бўлмаган ёки уни баён эта олмайдиган шахсларга айланиб қолишади. Ўқитувчи уларнинг ҳар бирига етарли даражада эътибор бермас ёки улар билан мустақил ишламас экан, таълим сифати кўтарилиши тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмас.

Биз бир қанча педагоглар билан суҳбатлашганимизда, деярли барчаси синфда болаларнинг кўплиги самарали ишлашларини ва таълим беришларини янада мушкуллаштириб юбораётганини айтишди. Бу борада, айниқса, бошланғич синф муаллимлари ўринли эътирозлар билдиришди. Уларнинг таъкидлашларича, ушбу вазиятда ҳар бир боланинг қўлидан ушлаб ёздириш, алоҳида ўқитиб чиқиш лозим. Бунинг учун алифбо, математика, ёзув дарсларининг ўзига икки соатдан кўпроқ вақт

керак бўлади. Индивидуал шуғулланилмаса, ўқувчининг сабоқларни ўзлаштириши суслшиб бораверади. Унга вақтида эътибор қаратилмаса, кейинги синфларда ҳам оқсайверади. Охир-оқибат ўқишга, дарсларга қизиқиши пасаяди, мактабга бориш унинг учун шунчаки мажбуриятга айланиб қолади.

Кўпинча ўқувчиларда билим олишчи иштиёқ йўқлиги ҳақида гапирилади. Ўқитувчи уларни қизиқтириши, дарсларни ноодатий усулларда ташкил этиши зарур. Бунинг учун, аввало, ўз устида ишлаши, замон билан ҳамнафас бўлиши, инновациялар ва янги технологиялардан фойдаланиши лозим. Лекин у бунга вақт топа олармикин? Ахир, шундоқ ҳам қоғозбозлик ва юкламалардан безор бўлган муаллим болаларни дарсларга янгича усуллар ёрдамида жалб этишга, уларнинг сабоқларни ўзлаштиришини мунтазам равишда назорат қилиб боришга қай даражада интилади?..

Бизнинг таклифимиз: синфлардаги ўқувчилар сонини имкон қадар қисқартириш даркор. Тўғри, бунга осонликча эришилмайди, у катта харажат ва маблағ талаб этади. Президентимиз ўтган йил январь ойида мактаб таълимини ривожлантириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида соҳадаги ислохотларни кечиктирмаслик, таълим-тарбия бу — бизнинг ке-

ла жағимиз, ҳаёт-мамот масаласи эканини алоҳида таъкидлаган эди. Қанчалик мураккаб бўлмасин, мактаб таълимида пойдеворни бугундан мустаҳкам қўйиш лозимлигини ўқитганди.

Маълумотларга қараганда, республикамиз бўйича 10 мингдан ортиқ мактабни ислох қилиш кўзда тутилган. Бу жараёнда синфлардаги болалар сонини қисқартиришга, билим даргоҳидаги шарт-шароитларни шунга мослаштириб, синфхоналарни кўпайтиришга ҳам эътибор қаратилса, нур устига нур бўлади. Зеро, бундай имкониятларнинг яратилиши фарзандларимиз сифатли таълим олишлари, фанларни пухта ўзлаштиришлари, ўқитувчилар ўз вазифаларини янада масъулият билан бажаришлари учун хизмат қилади.

Гулрухбегим
ОДАШБОВА
«ISHONCH»

Хоразм
вилояти

Хоразмга чавандозлар керак эмасми?

Сирожбек кичиклигидан от минишни орзу қилар, бироқ бу ҳақда ҳеч кимга гапирмасди. Ўтган йили телевизорда вилоятларда чавандозлар мактаблари ташкил этилгани ҳақида хабар топди-ю, ороми бўзилди. Онасига орзулари ҳақида гапирди. Раъно ўғлининг ниятларидан хурсанд бўлди. Шу кўниёқ таниш-билишларидан чавандозлар мактаби ҳақида сўраб-суриштиришга киришди.

Чавандозлар мактаби Урганч туманида Миллий гвардияга тегишли иншоотда жойлашган. Аммо бу ер Сирожбек телевизорда кўрган чавандозлар мактабларига сира ўхшамасди. На ўқув машғулоти ва на мусобақаларни ўтказиш учун очиқ ва ёпиқ турдаги манеж (шу жумладан, жанговар манеж), на отхона, озуқа базасини шакллантириш учун ер майдони, сув сақланадиган бочка, омборхона, беда сақланадиган жой, отларни қадамлаш учун жой, на томошабинлар учун трибуна, тренерлар, тиббиёт ходимлари, кийим алмаштириш хоналари, тренажёр зали, спорт анжомлари, жиҳозлари, кийимлари ва экипировкасини сақлаш учун хона... бор.

Чавандозлар мактаби мураббийи Сирожнинг онасига муассаса бу ерда вақтинча жойлашгани, Президент қарори асосида замонавий иншоот барпо этилишини тушунтирди. Ҳозирча эса йўқни йўндириб, бир амаллаб шароит яратишганини айтди. «Қачон барпо этилади?» деган саволга эса на мураббийдан ва на мактаб директоридан жўяли жавоб олди. Бундай шароитда ўғли чавандозлик сирларини ўзлаштиришга шубҳа қилиб, ортга қайтди...

Аслида, от минишни орзу қилмаган болакай бўлмаса керак. Чавандоз деганда, кўз олдимизда мард ва жасур ўғлон гавдаланади. Чавандозликни нафақат ўғил болалар, қизлар ҳам орзу қилади. Президентнинг 2021 йил 5 августдаги «Чавандозлар мактаблари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори нафақат спортга иштиёқи баланд ёшларни, балки ота-оналарни ҳам хурсанд қилганди. Зеро, чавандозлик ёш авлодининг ватанпарвар, жўмард бўлиб камол топишига хизмат қилади. Айниқса, кўпчилик фарзандларининг телефондан бош кўтармаслигидан шикоят қилаётган бир пайтда чавандозлар мактабларининг ташкил қилиниши ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Президент қароридан чавандозлар мактаблари 2022 йилнинг 1 мартда фаолият бошлаши кўрсатилган. Хоразмда ҳам аини шу санада муассаса ишга тушди. Бироқ қарорда айтилган тартибда

эмас. Қарорда айрим вилоятларда Чавандозлар мактабини реконструкция қилиш, айримларида, жумладан, Хоразм вилоятида барпо этиш ва жиҳозлаш белгиланган. Ҳокимликлар зиммасига Миллий гвардия ва мутасадди вазирликлар билан биргаликда уч ҳафта муддатда Чавандозлар мактабларини ташкил этиш учун белгиланган тар-



тибда ер майдонларини ажратиш, ҳудудлардаги отчопарларни Чавандозлар мактабларига мусобақа ва турнирларни ташкил қилиш, шунингдек, уларда ўқув машғулотларини ўтказиш учун бириктириш ва зарур шароитлар яратиш чораларини кўриш вазифаси юклатилган ва бунда Чавандозлар мактаблари 2022 йил 1 мартга қадар тўлиқ фойдаланишга топширилишини инobatга олиш кераклиги алоҳида таъкидланган.

Хоразм вилоятида отчопар аллақачон хусусий мулкка айланган. Демак, янги отчопар керак. Бу-ку майли, белгиланган муддатдан қарийб бир ярим йил ўтганига қарамасдан Чавандозлар мактаби ҳалигача барпо этилмаган. Мактаб аввалига отчопарни хусусийлаштирган фермер ҳўжалигида фаолият кўрсатди. Аммо қиш яқинлаша бошлагач, бу ерда отларни сақлаш имкони йўқлигидан хавотирланган Миллий гвардия Хоразм вило-

яти бошқармасининг эски автосаройини мактаб учун бўшатиб берди. Иншоотдаги бинолар қўлбола отхонага айлантирилди. Мини футболга мўлжалланган ўйингоҳ машғулотлар ўтказишга мослаштирилди.

Чавандозлар мактаби жамоаси ҳозирда ҳудудда от спортини ривожлантириш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилмоқда. 2022 йилда 34 та спорт мусобақаси, 114 та от спорти машғулоти ва парад ўтказилди. 2023 йилнинг ўтган даврида эса 20 га яқин спорт мусобақаси, 49 та от спорти машғулоти ва парад ташкил қилинди. Мактабда от спортининг «Жамоавий улоқ-кўпқари», «Поло», «Тентпегинг», «От устида кураш» турлари бўйича 4 та тўғрақ секциясига 40 нафар ўқувчи жалб қилинган. 18 та от билан машғулотлар ўтказилмоқда. Кўшқўпир туманидаги 13-мактабда Чавандозлар мактаби секцияси ташкил қилинган. Ваҳоланки, Хоразмда чавандозликка қизиқадиган болалар қирқта эмас, тўрт минг ва ундан ҳам кўп бўлиши мумкин. Шароитлар йўқлиги кўпчилик ота-оналарни ўйлантириб қўймоқда.

Ўтган даврда Хоразм вило-




Президент қароридидаги бошқа талаблар, айтайлик, Чавандозлар мактабларида туристлар учун замонавий шарт-шароитлар ташкил этиш туристлар кўп ташриф буюрадиган ҳудудларда махсус от спорти клубларини очиш, мактабларнинг шаҳар-туман секцияларини ташкил қилиш, ҳудудларда улоқ-кўпқари ва бошқа миллий от спорти ўйинларини ўтказиш учун алоҳида ер майдонларини ажратиш ва бошқа масалалар ижроси ҳақида оғиз очишга ҳали анча эрта.

Давлат раҳбарининг мазкур қарори билан танишсангиз, унинг қамрови кенглигини, мақсад нақадар катталигини кўрасиз. От спортини ривожлантириш орқали нафақат маънавий-руҳий, балки антиқодий фойда ҳам кўриш мумкин. От минишга фақат болалар эмас, катталар ҳам қизиқади. Мамлакатимизга ташриф буюрадиган сайёҳларни ҳам бу бефарқ қолдирмасди. Чавандозлик ривожланиши йилқичилик ривожига сабаб бўлади. Кўплаб янги иш ўринлари очилади. Афсуски, хоразмлик мутасаддилар масаланинг бу жиҳатларини ё тушунмапти ё тушунишни истамапти.

Чавандозлар мактаби жамоаси эса от спортини ривожлантиришни, республика ва халқаро мусобақаларда хоразмлик чавандозлар ҳам фаол иштирок этишини, от миниб, дунёнинг ҳавасини келтиришини истади. Урганч шаҳрида қад ростлаган Жалолиддин Мангуберди ҳайкали қаршисида ҳар ким ҳам от минишни орзу қилади. От минмаган йигитлар қандай қилиб Жалолиддиннинг муносиби издошиман дея олади? Кошки, бунинг аҳамиятини мутасаддилар ҳам англаб етишса...

Мухаббат Тўрабоева
«ISHONCH»

МУАССИС:



«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetolari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURDOV

(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosi),

Mehrididdin SHUKUROV
(Mas'ul kotib — «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK
(Mas'ul kotib — «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti —
(71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot —
(71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport —
(71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash —
(71) 256-85-43
Marketing va obuna —
(71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi —
(+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati —
(+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati —
(+998-99) 889-90-31
Jizzax viloyati —
(+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati —
(+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati —
(+998-99) 889-90-28
Samarqand viloyati —
(+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati —
(+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati —
(+998-99) 889-90-32
Toshkent viloyati —
(+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati —
(+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati —
(+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati —
(+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir

Z. Rixisiev

Musahhihlar

D. Xudoyberganova,
D. Ravshanova

Sahifalovchi

H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — 22:50
Topshirildi — 23:20

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqami:

2021 0000 0004 3052 7001,
ATIB «Ipoteka bank»
Yashnobod filiali,
bank kodi: 00959,
STIR: 201133889,
OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma G-613
Nashr ko'rsatkichi: 133
1 2 3 4 5 6

Umumiy adadi 31262
14452 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.